

## “ФУТУХ АШ-ШОМ” АСАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12510089>

**Жамбиллов Мансур Расулжонович**

*“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси*

*II босқич таянч докторанти,*

*Тошкент ислом институти*

*“Ҳадис ва Ислом тархи фанлари”*

*кафедраси ўқитувчиси*

### **Аннотация**

Имом Воқидийнинг илмий мероси, “Футух аш-Шом асари”

### **Калит сўзлар**

Муҳаммад ибн Умар Воқидий, услублар, манҳаж ва турли илмлар.

Воқидий ўзининг “Футух аш-Шом” асарида икки халифа Абу Бакр ас-Сиддик ва Умар розияллоху анҳумоларнинг давридаги хоҳ Шом, хоҳ Ироқ, хоҳ Мисрга бўлсин исломий фатҳларнинг барчасини ва уларнинг тафсилотларини жамлаган.

У бу ходисаларни Абу Бакр ас-Сиддик розияллоху анҳунинг халифаликка таъйинланиши, баъзи қабилаларда муртадликнинг (диндан қайтишнинг) пайдо бўлиши, Абу Бакр ас-Сиддик розияллоху анҳунинг бу диний ва сиёсий фитна олдидаги кескин ёндошуви ва Римга қарши уруш қилиш учун юборишга қатъий қарор қилганлиги билан очиб<sup>27</sup>, Баҳнасо<sup>28</sup>нинг фатҳи, у ерга саҳобаларнинг тушишлари ва фазилатли жиҳатлари ҳақида зикр қилиш билан китобни якунлаган.<sup>29</sup>

Китобнинг тузилишига келадиган бўлсак, муаллиф китобни олтига ровийдан – Абу Бакр Ҳасан ибн Суфён<sup>30</sup>, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-

<sup>27</sup> Муҳаммад ибн Умар Воқидий. Футух аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.-Б.5.

<sup>28</sup> Бу Мисрдаги бир шаҳр бўлиб, Нил дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган. Қ: Якут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.І.-Б.516.

<sup>29</sup> Муҳаммад ибн Умар Воқидий. Футух аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.ІІ.-Б.254.

<sup>30</sup> Унинг тўлиқ исми Яҳё ибн Ҳасан ибн Усмон ибн Абдурахмон ибн Авф аз-Зухрий ал-Маданийдир. Қ: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқ. Тақриб ат-таҳзиб.-Халаб: Дар ар-Рашид, 1408/1988.-Ж.І.-Б.589.

Ансорий, Ҳишомнинг мавлоси Абу Саъид<sup>31</sup>, Молик ибн Абу Ҳасан<sup>32</sup>, Зубайрнинг мавлоси Исмоил<sup>33</sup> ва Мозин ибн Авфдан – ташкил топган жамъий иснод билан бошлаган.<sup>34</sup>

Муаллиф китобнинг аввалида Сиддиқ розияллоху анху Росулulloх соллоллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларини масжидда жамлаганлиги, улар ичида хутба қилиб, уларга Росулulloх соллоллоху алайҳи васаллам вафотларидан олдин қарор қилган Шомга эътибор қаратиш иши ҳақида уларга хабар берганлиги ҳамда бу ишни амалга ошириш борасида уларга кўрсатма берганлиги, сўнгра мусулмонларни бу ишга ундаш мақсадида исломий шаҳарларга мактублар юборганлиги ва улар ҳам унинг чақириғига жавоб қайтарганлигига ишора қилиб ўтган.<sup>35</sup>

Бу каби маълумотларни келтиргандан сўнг муаллиф ҳодисалар борасида келган ривоятларни батафсил келтириб, Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоху анху кўлига уруш байроғини тутган киши Язид ибн Абу Суфён<sup>36</sup> эканлигини зикр қилади ва бунинг ортидан халифа Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоху анхунинг исломий кўшин қўмондонларига хусусан, Язид ибн Абу Суфён, сўнгра Амр ибн Ос<sup>37</sup> розияллоху анҳумоларга қилган васийятларини зикр қилиб ўтган.<sup>38</sup>

Сўнгра Амр ибн Ос розияллоху анхунинг Фаластин ерига қараб йўлга тушганлиги, муҳожир ва ансорлардан бўлган мусулмонларни жамлаб, Фаластин иши борасида улар билан маслаҳатлашганлиги ва унинг Абу

<sup>31</sup> Тўлиқ исми Абу Зиёд Сайфий ибн Зиёд ал-Ансорий ал-Маданий бўлиб, Мадина аҳлидан бўлган Афлаҳнинг мавлосидир. Қ: Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний. Муҳаммад Аввома таҳқиқ. Тақриб ат-таҳзиб.-Ҳалаб: Дар ар-Рашид, 1408/1988.-Ж.І.-Б.278.

<sup>32</sup> Тўлиқ исми Молик ибн Абул Ҳасан бўлиб, Ҳасан Басрийдан уни мажхул ровий деганлиги нақл қилинган. Ибн Ҳиббон уни сиқа ровийлар ичида келтирган. Қ: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Али Бажовий таҳқиқи. Мийзан ал-иътидал.-Байрут/Ливан: Дар ал-маърифат, 1389/1961.-Ж.VI.-Б.5.

<sup>33</sup> Тўлиқ исми Исмоил ибн Абу Ҳаким бўлиб, Усмон ибн Аффоннинг мавлоси бўлган. Баъзи нақлларга кўра у Зубайр оиласининг мавлоси бўлган. ҳижрий 130-йилда Мадинада вафот етган. Ибн Маъийн уни сиқа ровийлардан санаган. Қ: Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад. Шарофиддин Аҳмад таҳқиқи. Ас-сиқот.-Байрут/Ливан: Дар ал-фикр, 1395/1975.-Ж.VI.-Б.36.

<sup>34</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-муҳтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.-Б.5.

<sup>35</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-муҳтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.-Б.6.

<sup>36</sup> Тўлиқ исми Язид ибн Абу Суфён ибн Ҳарб ибн Умайя бўлиб, унга “Язид ал-хайр” лақаби ҳам берилган. У Макка фатҳи кунда исломни қабул қилган. Шомдаги қайсарий фатҳи унинг қўлида амалга оширилган. Қ: Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий (Ибн Абдулбарр). Шайх Али Муавваз ва шайх Одил Аҳмад Абдулмақсуд таҳқиқ. Ал-истийъаб фий маърифат ал-асъҳоб.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1415/1995.-Ж.IV.-Б.1575.

<sup>37</sup> Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Амр ибн Ос ибн Воил ас-Саҳмий бўлиб, Макка фатҳидан олдин Ҳудайбийя кунда исломни қабул қилган ва ҳижрат қилган. Ҳижрий 43-йил Рамазон ҳайити кунда Миерда вафот етган. Қ: Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Шуайб Арнаут ва Ҳусайн ал-Асад таҳқиқи. Сияри аълам ан-нубало.-Байрут: Муассасат ар-рисала, 1401/1981. -Ж.І.-Б.366.

<sup>38</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-муҳтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.-Б.14.

Убайда ибн Жарроҳ<sup>39</sup> розияллоҳу анхуга Римга йўлга чиқиш ҳақида хабар бериб мактуб йўллаганлиги ва Абу Убайда ибн Жарроҳ илк тўқнашувдаёқ улар устидан ғалабани кўлга киритганлигини зикр қилиб ўтган.<sup>40</sup> Сўнгра Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анху Римликларга қарши уруш учун Шом диёридаги мусулмон кўшинларга Холид ибн Валид<sup>41</sup> розияллоҳу анхуни волий қилиб таъйинлаганлигини келтириб ўтган. Бундан сўнг Шомда бўлган жанглар ҳақида зикр қилган. Бу жанглар ичида Хавла бинти Азур<sup>42</sup> билан бўлган воқеага алоҳида тўхталиб ўтган.

Муаллиф сўнгра китобнинг 45-бетидан 49-бетигача Дамашқ атрофида кечган жангларни баён қилиб ўтган. Шунингдек Вокидий китобнинг 49-бетидан 59- бетигача бўлган қисмида аёлларнинг кўрсатган жасоратлари ва Холид ибн Валиднинг уларга қилган насиҳатларига тўхталиб ўтган. Сўнгра 59-бетдан 85-бетгача Ажнадин муҳорабаси ва токи фатҳгача бўлган унга алоқадор ҳодисалар ҳақидаги хабарларни келтириб ўтган. Бунинг ортидан Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анхунинг Шом шаҳарларидаги ислом кўшинига волий қилиб таъйинланганлигини баён қилган.<sup>43</sup>

Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анхунинг волий қилиб сайланганлиги ҳақидаги ҳадисни келтиргандан сўнг, 88-бетдан 98-бетгача Тароблисга яқинидаги Абулқудс қалъаси билан содир бўлган жанг ҳамда бу жангдаги Зирор ибн Азур<sup>44</sup>нинг ўрнини келтириб ўтади. Бундан сўнг

<sup>39</sup> Тўлиқ исми Омир ибн Абдуллоҳ ибн ЖАрроҳ ибн Ҳилол ал-Қуроший ал-Фихрий ал-Маккий бўлиб, исломни илк қабул қилганлардандир. Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам унга жаннат башоратини бериб, “Амин ал-уммат” деб номлаганлар. Қ: Абулфараж Жамолиддин Абдурахмон ибн Жавзий. Аҳмад ибн Али таҳқиқи. Сифат ас-совфа. Қоҳира/Миср: Дар ал-ҳадис, 1421/2000. -Ж.І.-Б..

<sup>40</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-муҳтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.-Б.21.

<sup>41</sup> Тўлиқ исми Абу Сулаймон Холид ибн Валид ибн Муғйра ибн Абдуллоҳ Қураший Махзумий Маккий бўлиб, хижрий 8-йилда мусулмон ҳолда хижрат қилган. Сўнгра ғазот га чиқиб, Макка фатҳи, Ҳунайн сулҳи ва Муъта ғазотида қатнашган. Уни Росулulloҳ “сайфуллоҳ” (Аллоҳнинг қиличи) деб номлаганлар. Хижрий 21-йилда Ҳимса олтмиш ёшида вафот етган. Қ: Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий (Ибн Абдулбарр). Шайх Али Муавваз ва шайх Одил Аҳмад Абдулмаксуд таҳқиқ. Ал-истийъаб фий маърифат ал-асъҳоб.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1415/1995.-Ж.ІV.-Б.1575.

<sup>42</sup> Тўлиқ исми Хавла бинти Азур Кинония бўлиб, у ўз асри аёллари ичида шижоатли шоира бўлган. “Футуҳ аш-Шом” асарида ундан кўплаб хабарлар келтирилган. Улардан бири унинг укаси Зирор ибн Азурни римликларнинг қўлидан қутқарганлигидир. У халифа Усмон розияллоҳу анху даврининг сўнги йилларида вафот етган. Қ: Муҳаммад ибн Маниъ ибн Саъд Басрий Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут/Ливан: Дару Содир, 1405/1985.-Ж.VІІІ.-Б.378.

<sup>43</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-муҳтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.-Б.86

<sup>44</sup> Тўлиқ исми Зирор ибн Азур Асадий бўлиб, Абу Азур куняси билан куняланган. Хижрий 13-йилда вафот етган. Қ: : Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий (Ибн Абдулбарр). Шайх Али Муавваз ва шайх Одил Аҳмад Абдулмаксуд таҳқиқ. Ал-истийъаб фий маърифат ал-асъҳоб.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1415/1995.-Ж.ІV.-Б.1575.

муаллиф Ҳимс<sup>45</sup>, Қиннасин<sup>46</sup> ва Рустун<sup>47</sup> каби минтақаларнинг ҳар бирининг фатҳ қилиниши ва бу фатҳларга ҳамоҳанг бўлган ўзгаришлар ҳақидаги ривоятларни китобнинг 99-бетдан 147-бетгача бўлган қисмида баён қилиб ўтган. Ҳатто Ярмук жанги ҳақида сўз борганда бу борадаги ривоятларни кўпайтирганлиги сабабли улар 148-бетдан 218-бетгача бўлган қисмида қамраб олган.<sup>48</sup>

Сўнгра муаллиф китобнинг 219- бетидан 236- бетигача бўлган қисмда Байт ал-мақдиснинг фатҳ қилинишига доир ривоятларни келтирган. Бундан сўнг 237- бетдан 267- бетгача бўлган қисмда Ҳалаб<sup>49</sup> шаҳри ва унинг қалъалари фатҳ қилиниши ҳамда 268-бетдан 305-бетгача бўлган қисмда Азоз<sup>50</sup> шаҳрининг фатҳ қилиниши ҳақида келган ривоятларни жамлаш билан биринчи жузни якунлаган.

Муаллиф иккинчи жузни 1-бетдан 13-бетгача тоғ йўлларининг ички қисмида жойлашган қабилаларнинг яйловларига томон қилинган ғазотларни зикр қилиш билан бошлаб, сўнгра 14-бетдан 24-бетгача Қайсарийят<sup>51</sup> аш-Шом шаҳрининг фатҳ қилиниши ҳамда Фаластинда кечган жанглар ҳақидаги ривоятларни зикр қилиб ўтган.<sup>52</sup>

Бундан сўнг муаллиф 25-бетдан 31-бетгача Шом диёрида жойлашган Сур<sup>53</sup>, Акко<sup>54</sup>, Тороблис<sup>55</sup> шаҳарларининг фатҳ қилиниши ҳақидаги

<sup>45</sup> Ҳимс- Шомдаги шаҳар номи бўлиб, ўша йерда яшаган кишининг номи билан номланган. Ҳимс- Шомдаги шаҳар номи бўлиб, ўша йерда яшаган кишининг номи билан номланган. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.348.

<sup>46</sup> Қиннасин- Шом диёридаги шаҳар номи бўлиб, унинг тепа қисмида тоғда Солих алайҳиссаломнинг қабри бор. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.348.

<sup>47</sup> Осий дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳар. У Ҳамо ва Ҳимс ўртасида жойлашган. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.43.

<sup>48</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.І.

<sup>49</sup> Ҳалаб – Суриянинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар бўлиб, Қиннасин қўшини учун асос бўлиб хизмат қилган. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.324-333.

<sup>50</sup> Ичида қалъа бўлган кичик шаҳар бўлиб, Ҳалабнинг шимолий қисмида унинг карвонсаройи бўлган. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.І.-Б.87.

<sup>51</sup> "قيسرية" сўзи қадимги шаҳарларда катта бозорларга нисбатан ишлатилган. Бу сўз асли юнонча сўз бўлиб, бир ҳукмдор ёки ҳукуматга тегишли бўлган бинога нисбатан ишлатилган.

<sup>52</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.ІІ.

<sup>53</sup> Шом диёридаги денгиз соҳилида жойлашган шаҳар бўлиб, қалъалар билан ўралган. Қ: Муҳаммад ибн Абдулмуъним Ҳумайрий. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Ар-равз ал-миътор фий хабар ал-актор.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1404/1984.-Ж.І.-Б.369.

<sup>54</sup> Шом диёридаги тоғли даралардан бири бўлиб, у билан Табарийя ўртасида икки кунлик масофа бор. Қ: Муҳаммад ибн Абдулмуъним Ҳумайрий. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Ар-равз ал-миътор фий хабар ал-актор.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1404/1984.-Ж.І.-Б.369.

<sup>55</sup> Шом денгизи соҳилидаги жойлашган бўлиб, кўплаб табиий бойликларга бой шаҳар бўлган. Қ: Закариё ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қазвиний. Асар ал-билад ва ахбар ал-ибад.-Байрут/Ливан: Дару Содир, 1497/1987. .-Ж.І.-Б.166.

ривоятларни келтиради. Сўнгра Миср диёрининг шаҳар ва қишлоқларининг фатҳ қилиниши ҳақида ривоятлар келтириб ўтган. Бу ривоятлар 32-бетдан 86-бетгача бўлган қисмини ўз ичига олган.<sup>56</sup>

Китобнинг 87-бетидан 106-бетигача бўлган қисмида Бакр<sup>57</sup>, Робиъа ва Киркисий<sup>58</sup> диёрларида кечган фатҳ ҳақида, 107-бетдан 142-бетгача бўлган қисмда эса, Максон<sup>59</sup>, Шамсония ва уларга яқин ҳудудларда кечган фатҳлар ҳақида ривоятлар келтиради.<sup>60</sup> Сўнгра Даро<sup>61</sup>, Майяфарқин<sup>62</sup> ва Омид<sup>63</sup> шаҳридан тортиб, Жудий<sup>64</sup> тоғи ва унга яқин бўлган қалъаларнинг фатҳи ҳақида сўз юритиб, бу ривоятларни китобнинг 143-бетидан 159-бетигача бўлган қисмида келтириб ўтади.<sup>65</sup> Сўнгра 160-бетдан 169-бетгача бўлган қисми Сиирт<sup>66</sup>, Битлис<sup>67</sup>, Арзун<sup>68</sup>, Арманистон<sup>69</sup>, Ахлат<sup>70</sup> шаҳарларидан тортиб, Исмоилийя шаҳрининг фатҳ қилинишигача бўлган ривоятларни ўз ичига олган.<sup>71</sup> Бундан сўнг муаллиф Хаварнак<sup>72</sup>, Ҳира<sup>73</sup>, Қодисийя<sup>74</sup>

<sup>56</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.П.

<sup>57</sup> Бу Дажла дарёси бўйида жойлашган бир шаҳардир. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.494.

<sup>58</sup> Хобур дарёси соҳилида жойлашган бўлиб, Рикқа ва Бағдод шаҳарлари ўртасида Молик ибн Тавқнинг майдонида яқиндир. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.60.

<sup>59</sup> Хабур дарёси бўйидаги қишлоқлардан бири бўлиб, у билан Рўс ал-айн ўртасида бир ёки икки кунлик масофа бор.

<sup>60</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.П.

<sup>61</sup> У Насийбин ва Мардин ўртасида жойлашган бир қишлоқдир. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.200.

<sup>62</sup> Бакр диёрида жойлашган машҳур шаҳар бўлиб, қалъа билан ўралган. Қ: Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.235.

<sup>63</sup> Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.56.

<sup>64</sup> Абулфодо Исмоил ибн Касир. Али Шейрий таҳқиқи. Ал-бидая ван-ниҳая.-Байрут/Ливан: Дару ихя ат-турос ал-арабий, 1408/1988. -Ж.П.-Б.137.

<sup>65</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.П.

<sup>66</sup> Ёқут Ҳамавий. Мужам ал-булдон.-Байрут/Ливан: Дару Содир нашриёти, (Йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.288.

<sup>67</sup> Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ Шофеъий. Вафо Такийиддин таҳқиқи. Муъжам аш-шуюх.-Дар ал-башоир, 1421/2000.-Ж.П.-Б.676.

<sup>68</sup> Али ибн Абулқарам ибн Муҳаммад Шайбоний (Ибн Асир). Ал-лубаб фий таҳзиб ал-ансоб.-Бағдод/Ироқ: Мактабат ал-масно, (йили кўрсатилмаган).-Ж.П.-Б.42.

<sup>69</sup> Абдуллоҳ ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Бакрий. Мустафо Сако таҳқиқи. Муъжаму ма истаъжам.-Қоҳира/Миср: Матбаъат лажна ат-таълиф ват-таржама, 1364/1945.-Ж.П.-Б.43.

<sup>70</sup> Муҳаммад ибн Абдулмуъним Ҳумайрий. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Ар-равз ал-миътор фий хабар ал-ақтор.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1404/1984.-Ж.П.-Б.220.

<sup>71</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.П.

<sup>72</sup> Абдуллоҳ ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Бакрий. Мустафо Сако таҳқиқи. Муъжаму ма истаъжам.-Қоҳира/Миср: Матбаъат лажна ат-таълиф ват-таржама, 1364/1945.-Ж.П.-Б.515.

<sup>73</sup> Муҳаммад ибн Абдулмуъним Ҳумайрий. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Ар-равз ал-миътор фий хабар ал-ақтор.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1404/1984.-Ж.П.-Б.207.

<sup>74</sup> Муҳаммад ибн Абдулмуъним Ҳумайрий. Еҳсон Аббос таҳқиқи. Ар-равз ал-миътор фий хабар ал-ақтор.-Байрут/Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1404/1984.-Ж.П.-Б.447.

шаҳарларининг фатҳи ҳақида зикр қилади. Бу ривоятлар китобнинг 170-бетидан бошлаб, 198-бетигача келтириб ўтилган.<sup>75</sup> Ваниҳоят китобнинг аввалида қисқача баён қилган Миср фатҳи ҳақидаги гапини тўлдириш ва китобнинг хотимасини Баҳнасо шаҳрининг фатҳлари борасида қилиш учун 198-бетдан 310-бетгача бўлган қисмда ривоятлар келтириб ўтади.

### ФҲЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлар кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 19 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 12 ноябрь.
3. V.M.Zaporozhets. The Seljuks. – Hannover: the European Academy of Natural Sciences e.V. , 2012. – 321 p.
4. Ibn Asir. الكامل في التاريخ (Al-Komil fit-tarix), VIII juz. – Beirut-Lebanon: Dar Al-Kotob Al-Ilmiyah, 2003. – 532 b.
5. Imom al-Hofiz Abul Fado Ismoil ibn Kasir al-Qurayshiy ad-Dimashqiy. البداية و النهاية (Al-Bidayatu van-nihaya). al-Giza (Misr): Hajr, 1998.
6. Maqriziy. السلوك لمعرفة دول الملوك (As-Suluk lima’rifati duvalil-muluk), I juz. Beirut-Lebanon: Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997. – 566 b.
7. Shamsuddin Muhammad bin Ahmad Usmon az-Zahabiy. سير أعلام النبلاء (Siyar a’lamu an-nubala), XXIII juz. Beirut-Lebanon: Baytul-afkor ad-davliyya. 2004.
8. Ahmed bin Mahmud. Selçuk-Name, 1-2.cilt. – İstanbul: Kervankibatçılık basın sanayiiveticaret A.Ş., 1977. – 202 s.
9. Ali Sevim. İbnül-Kalânisinin Zeylû tarih-i Dimaşk adlı eserinde Selçuklularla ilgili bilgiler // Türk tarih belgeleri dergisi. Cilt: XXIX, Sayı: 33. 2008. – S. 1-42
10. Muharrem Kesik. Sultan Alp Arslan’ın Liderlik Vasıfları // İnsan ve Toplum Bilimleri Dergisi, Sayı4. 2014. – S. 43-52.

<sup>75</sup> Муҳаммад ибн Умар Вокидий. Футуҳ аш-Шом.-Уммон/Иордания: Мактабат ал-мухтасиб, (Йили кўрсатилмаган) -Ж.И.

11. Muhammed Kemaloğlu. XI.-XIII. yüzyıl Türkiye Selçuklu devletinde eğitim-öğretim (medreseler) // Akademik Tarih ve Düşünce Dergisi. Cilt:2, Sayı:5. 2015. – S. 62-79.
12. Prof. Dr. Muharrem Kesik. Selçuklular tarihi. – İstanbul: İstanbul üniversitesi Açık ve uzaktan eğitim fakültesi, 2010. – 374 s
13. Prof. Dr. Faruk Sümer. Oğuzlar. – Ankara: Ankara üniversitesi basimevi, 1972. – 574 s.
14. Prof. Dr. Osman Turan. Selçuklular Tarihi ve Türk-İslam Medeniyeti. – İstanbul: Turan neşriyat yurdu, 1969. – 492 s.

#### ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўлёмалар бўлими сайти <http://nodir.natlib.uz:8095/uz-Cyrl-UZ>
2. Ўзбекистон тарихий ва илмий-адабий манбалар сайти <http://ziyonet.uz/>